

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

*5A510101- Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислигининг
малака талаблари*

Тошкент

СЎЗ БОШИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари

КИРИТИЛГАН:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий таълимни ривожлантириш маркази

Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари Ректорлар раёсати

ТАСДИҚЛАНГАН

Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълим тизими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгаш

АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил «08» 09 даги 236 - сонли буйруғи

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишлидир

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислигининг умумий таснифи	4
1.1	Қўлланиш соҳаси	4
1.2	5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи	5
2.	5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.1	Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.2.	5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ва эга бўлиши лозим компетенциялар	7
3.	5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва модул дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	9
3.1.	Ўқув режа модул блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	9
3.2.	5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми ва кредитлар сони	11



1. 5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилди.

Ўқув режа ва модул дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва модул дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва модул дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва модул дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Мутахассисликнинг ўқув режа ва модул дастури	Магистр	3 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Тиббиёт ва фармацевтика олий таълимнинг ушбу малака талаби 5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўқув режа ва модул дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари учун мажбурий талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси мазкур магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва модул дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва модул дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва модул дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтихон комиссиялари;

- тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- тиббиёт ва фармацевтика олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.



1.2. 5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги – Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими, малака ошириш, қайта тайёрлаш муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, илмий-тадқиқот марказлари, давлат бошқаруви органлари, соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш ва профилактика муассасаларини ўз ичига олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5A510101–Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– соғлиқни сақлаш тизимидаги жараёнлар, соғлиқни сақлаш тизимида тегишли дастурлар, стандартлар, илмий мақолалар, тезислар, илмий-тадқиқот ишлари, меъёрий ҳужжатлар, маълумотномалар, ҳисоботлар;

– тиббиёт асбоб-ускуналари, дори воситалари, муолажалар, ресурслар, воситалар, усул ва услублар мажмуаси;

– жамият, аҳоли, оила, беморлар, тиббий ёрдамга муҳтож қариялар, катталар ва болалар, аёллар ва эркеклар;

– соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш ва профилактика бўйича давлат ва хусусий муассасалар, вилоят, шаҳар, туман даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари ва масъул шахслар;

– илмий-тадқиқот ва илмий-ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлари, тиббий ёрдам хизматларига эга бўлган хусусийлиги исталган шаклда бўлган ишлаб чиқариш бирлашмаларида амалга ошириладиган чора-тадбирлар;

– илмий тадқиқот жараёни;

– ўқув жараёни.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5A510101–Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- илмий-тиббий марказларида ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳомиладорлик физиологик ва патологик ҳолатлари тарқалишини ва кечишини ҳамда даволашни ўрганиш;

- тиббиёт соҳасида долзарб бўлган муоммолар бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини талаб даражасида олиб боришда иштирок этиш.

- гинекологик касалликларнинг тарқалишини ва кечишини ўрганиш, хавф омилларининг таъсири, патогенезининг замонавий назариялари, таснифлари, эрта таъхислаш, даволаш;

- аҳоли ўртасида гинекологик касалликларнинг тарқалишини олдини олишга ва касалликларнинг кечиши бўйича башорат бера олишга қаратилган илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш;

-соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш ва профилактика ташкилотларида (туман, марказий туман, шаҳар, марказий шаҳар, вилоят, республика шифохоналаридаги акушерлик ва гинекология бўлимлари, кўп тармоқли марказий шаҳар поликлиникалари, тез ва шовилинч тиббий ёрдам марказлари ва станциялари, она ва болалиқни ҳимоя қилиш ташкилотлари, санатор-курорт ташкилотлари)



таъхислаш ва даволашнинг замонавий усулларида кенг фойдаланган ҳолда хомиладорлар ва аёлларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш;

- акушерлик ва гинекология соҳасидаги тиббий-ижтимоий вазифаларни бажариши бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- шошилинч ёрдам кўлами бўйича зарур назарий ва амалий билимларга эга бўлиши ҳамда амалиётда қўллаш;

- тиббиёт соҳасида долзарб бўлган акушерликда патологик ҳолатлари ва гинекологик касалликлар ҳамда муаммолар бўйича замонавий маълумот, билимларга эга бўлиши ва фаолияти давомида улар тўғрисидаги маълумотлар билан мунтазам танишиб бориш;

- соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларида акушерлик ва гинекология соҳасида комплекс масалаларни ечиш.

1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

• илмий-тадқиқот фаолияти;

• даволаш ва профилактика фаолияти;

• ташкилий-бошқарув фаолияти;

• тиббий-ижтимоий;

• олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);

• консалтинг хизмати фаолияти ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълимни давом эттириш имкониятлари

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

2. 5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

Магистр:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш;

- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиш;

- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиш;

REPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING
TIBBIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH 6
MARKAZI

- шахсининг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллаш олиш;
- янги билимларни мустақил ўзлаштириш олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиш;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиш;
- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирилган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;
- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиш;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиш;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиш;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш;
- патент олиш учун меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиш;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

2.2. 5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Даволаш ва профилактик фаолиятида:

- ҳомиладор аёлларда патологик ҳолатларни, соматик ва гинекологик касалликларни аниқлаш ва замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда даволаш;
- тезкор ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган тўла ҳажмдаги кўникмага эга бўлган юқори малакали мутахассис-акушер-гинеколог сифатида мустақил амалий фаолият кўрсатиш;
- ҳомиладор аёлларда патологик ҳолатларда ва гинекологик касалликларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган тўла ҳажмдаги кўникмага эга бўлган юқори малакали мутахассис сифатида мустақил амалий фаолият кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши
- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиши;
- акушерлик патологиялар ва гинекологик касалликларни камайтириш учун профилактик тадбирларни амалга ошириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Тиббий-ижтимоий фаолиятида:



- оила ва алоҳида аҳоли гуруҳлари ўртасида инсон саломатлигига таъсир қилувчи ижтимоий-гигиеник, ижтимоий-психологик омилларни аниқлаши ва хавф омилларини бартараф қилиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):

- олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўқув устахоналарида ўтказиш;

- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- мутахассислик бўйича соғлиқни сақлаш тизими соҳасида мавжуд ҳолатларнинг аналитик шарҳларини ишлаб чиқиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- соғлиқни сақлаш тизимида тиббий жамоаларни бошқаришни илмий ва амалий асосда ташкил қила билиши;

- ахборот ва замонавий педагогик технологияларни эгаллаган бўлиши;

- узлуксиз таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш (ўқув персонали), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва тадбиқ этиш бўйича гуруҳларни бошқариш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*


Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш;

- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

3. 5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва модул дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва модул дастурлари бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва модуллар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:



умумметодологик модуллар;
мутахассислик модуллари;
илмий фаолият.

Ўқув режа ва модуллар дастурлари мажбурий ўқув билан бир қаторда талабалар танлаган модулларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режа ва модуллар дастурларини ўзлаштиришида ўқув модулларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув модуллари билан бир қаторда талабалар танлаган модулларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва модуллар дастурларини ўзлаштиришида талабаларнинг ўқув модулларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Магистратура мутахассислиги ўқув режасига мувофиқ равишда яқиний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид модулларнинг амалий машғулоти ва ўқув (клиник) амалиёти тиббиёт олий таълим муассасаси ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, даволаш-профилактика муассасалари, ташкилотлар ва илмий-амалий марказлар, илмий текшириш институтларида ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, даволаш-профилактика муассасалари, ташкилотлар ва илмий-амалий марказлар, илмий текшириш институтларида ўтказилади.

3.1. Ўқув режа модуллари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Умумметодологик модуллар блоки:

илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш ўқув ва кўникмаларини шакллантириши, тадқиқ этиладиган мавзулар бўйича мунтазам равишда мустақил таҳлил ва хулосани тайёрлаши;

илмий-тадқиқот методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, қонунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва инкор қилиш усуллари, шунингдек нутқ маданияти асослари билимларига, педагогик технологиялар, мутахассислик бўйича менежмент ва иқтисодиётга доир билимларни таъминлаши;

амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштиришни таъминлаши керак.

тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хулосаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини билиши;

таълимга технологик ёндашув, ўқув мақсадларини аниқлаштириши, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириши ва ташкил этиши;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги умумметодологик модуллар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Мутахассислик фанлари блоки:

Акушерлик фани бўйича:

1 блок: Акушерлик ва перинатологияда текширув усуллари. Хомила ҳолатини баҳолаш. Антенатал парварити

2 блок: Хомиладорлик физиологияси ва кечиши. Фетоплацентар тизим. Перинатал хавф омиллари. Фетоплацентар етишмовчилик (ФПЕ, дисфункция). Хомила патологиялари. Хомила ноаниқ холати

3 блок: Туғруқ ва туғруқдан кейинги давр физиологияси. Кечиши. Чақалок физиологик даврлари. Чақалоклар шошилиш холатлари ва муаммолари. Чақалоклар реанимацияси

4 блок: Хомиладорлар кўнгил айниши ва қусиши. Хомиладорлик ва туғруқ вақтида гипертензив бузилишлар, уларнинг асоратлари

5 блок: Хомиладорлик ва соматик патологиялар. Антенатал ва постнатал депрессия

6 блок: Хомиладорлик ва соматик патологиялар. Антенатал ва постнатал депрессия

7 блок: ОИВ-инфекция ва хомиладорлик

8 блок: Хомиладорликни кўтара олмаслик. Муддатидан олдинги туғруқ. Муддатидан олдин ва туғруқдан олдин қоғоноқ парда ёрилиши

9 блок: Хомиладорлик иккинчи ярмида, туғруқда ва туғруқдан кейинги даврда қон кетиши. Геморрагик шок ва ГТИҚИ-синдром

10 блок: Туғруқдаги қонқарсиз жараёнлар. Чанок-бош диспропорцияси. Она травматизми

11 блок: Бир қанча акушерлик асоратлари ва холатлари

12 блок: Хомиладорликни муддатидан олдин тўхтатиш. Туғруқ индукцияси. Муддатидан ўтган хомиладорлик

13 блок: Хомиладорликни муддатидан олдин тўхтатиш. Туғруқ индукцияси. Муддатидан ўтган хомиладорлик

14 блок: Хомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда инфекция

15 блок: Кичик чанок ўсмалари ва хомиладорлик. Она ва перинатал ўлим аудити

Гинекология фани бўйича:

1 блок: Гинекологияда замонавий текшириш усуллари

2 блок: Аёллар репродуктив тизимининг тузилиш, фаолияти ва унинг бошқарилиши. Репродуктив тизим ривожланишининг бузилиши

3 блок: Аменорея. Бачадондан аномал қон кетиши. Номенструал қон кетишлар (посткоитал)

4 блок: Гинекологияда нейроэндокрин синдромлар

5 блок: Кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликлари

6 блок: Хомиладорликнинг биринчи ярмида қон кетиши

7 блок: Оператив гинекология

8 блок: Аёллар жинсий аъзолари фон ва раколди касалликлари

9 блок: Бепушт никоҳ. Аёллар сексопатологияси. Контрацепция усуллари. Репродуктив технологиялар

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида соғлиқни сақлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий фаолият: илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.


Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар:

мустакил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва ақс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

Илмий-педагогик ишлар:



замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш уқуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Стажировка:

Соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириш;

фан, соҳа ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

соҳага тегишли амалий, касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;

касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозим.

Бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

Танлов модуллари:

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов модулларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5A51010 –Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми ва кредитлар сони

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 36 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва модул дастурининг умумий ҳажми 3 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва модуллар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Модул мавзуларининг камида 20 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва модуллар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертацияси ҳимояси билан тугалланиши шарт.

Ўқишнинг норматив муддати 3 йил бўлганда ўқув жараёни 118 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Назарий таълим ва илмий фаолият	118 ҳафта
Аттестациялар	9 ҳафта
Таътиллер	25 ҳафта
Илмий-амалий фаолият	118 ҳафта
Жами	152 ҳафта



Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши зарур:

назарий таълим - 50 - 55%;

аттестация - 4 - 7%;

таътилллар - 13 - 16%;

илмий фаолият - 30 - 40%.

Илмий фаолият магистратура талабасининг яқка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш – 60 - 70%;

илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 30 - 40%.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда модуллар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик модуллар - 10 – 20 %;

мутахассислик модуллари - 65 – 75 %;

танлов модуллари - 10 – 15 %.



Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Касбий фаолият тури, компетенция, модул, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратура мутахасислигининг асосий таълим дастури профилъ, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, тиббий билим, соғлиқни сақлаш тизими, клиника, лаборатория, амалий кўникмалар, касаллик, даволаш муассасалари, этиология, патогенез, профилактика, даволаш усуллари, диагностика, компьютер томография, ультратовуш текширув усуллари.

